ФАЙЛАСУФ - ОЛИМ М.Н.БОЛТАЕВНИНГ ЗАРДУШТИЙЛАР ТАЪЛИМОТИНИ ТАДКИКЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Мухаббат Усмонжоновна Асророва
БМТИ, “Ўзбек тили ва адабиёти”кафедрасининг катта ўқитувчиси
asrorovamuhabbat@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таниқли олим М.Н.Болтаевнинг Шарқ буюк мутафаккирлардан бири Зардуштийнинг фалсафий-ижтимоий таълимотининг тадқиқлаш натижалари ҳақида фикр юритилган. Зардуштий таълимотининг таълим-тарбияда беқиёс ўрни кўрсатилган.Ҳар бир инсон азалдан бизгача етиб келган ҳикматлар асосида яшаши кераклиги ҳақида баён этилган. Шу билан бир қаторда “Авесто”нинг муаллифи, мутафаккир ва ҳаким Зардуштнинг фалсафий-ижтимоий таълимоти чуқур ўрганилган. Мақолада ушбу таълимот тарафдорларининг илмий ёндашувлари ва ўрганиш натижалари ўз аксини топган. Шарқ буюк мутафаккирларнинг фалсафий-назарий таълимотлари ва манбаларга таянган ҳолда материаллар талқин этилади.

Калит сўзлар: фалсафий-назарий таълимотлар, фалсафий-ижтимоий фикр, ҳикоят ва ривоятлар, донишманд мутафаккир, Авесто, Зардушт, олий иккилик, Пифагор, диний қарашлар, руҳлар, зиндикийлар, яхшилик ва ёмонлик, ғайр ва шар, нур ва зулмат.

RESULTS OF THE PHILOSOPHER - SCIENTIST MN BOLTAEV'S RESEARCH OF THE DOCTRINE OF ZARUSTIYA

Mukhabbat Usmonjonovna Asrorova
BIET, Senior Teacher, Department of Uzbek Language and Literature
asrorovamuhabbat@mail.ru

ABSTRACT

This article discusses the results of the study of the philosophical and social teachings of the famous scientist M. N. Boltaev, one of the great thinkers of the East, Zoroaster. The unique role of Zoroastrianism in education is shown. It is stated that everyone should live according to the wisdom that has come down to us from time immemorial. At the same time, the philosophical and social teachings of the author, thinker and ruler Zoroaster of the Avesto were studied in depth. The article reflects the

scientific approaches of the proponents of this doctrine and the results of the study. Materials are interpreted based on the philosophical and theoretical teachings and sources of the great thinkers of the East.

Keywords: philosophical-theoretical doctrines, philosophical-social thought, stories and legends, wise thinker, Avesto, Zoroaster, higher duality, Pythagoras, religious views, spirits, zindiks, good and evil, non-evil and globe, light and darkness.

КИРИШ

Бизгача яшаб ўтган буюк мутафаккирлар ҳаёти ва улар томонидан яратилган бебаҳо хазинани ўрганиш, уларнинг замирида ётган маънавиятимиз асосини ташкил этувчи фалсафий-назарий таълимотни таълим ва тарбия жараёнига боғлаш давр талабларининг энг асосий жиҳатларидан биридир. Шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган, бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар асосида юксак натижаларга эришган, бу масалада кўплаб шогирдларни етиштирган олимлардан бири, Ўзбекистон ва бир қанча хорижий мамлакатларда таниқли бўлган олим - Муҳаммад Назарович Болтаевдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, Бухоро давлат университети профессори, Шарқ буюк мутафаккирларининг фалсафий-назарий таълимотлари ҳақидаги тадқиқот китобларнинг ижодкори, шу жумладан, ватандошимиз Абу Али ибн Сино фалсафий, илмий ва тасаввуфий қараш ғоялари ҳақидаги бир қанча монография тадқиқотларнинг ҳам муаллифидир. Муаллифнинг Ибн Сино фалсафий қарашлари ҳақидаги китоблари Ўзбекистондан ташқари Россия, Тожикистон ва Афғонистонда нашр этилган. Муҳаммад Назарович Болтаев шу билан бир қаторда “Авесто”нинг муаллифи, мутафаккир ва ҳаким Зардуштнинг фалсафий-ижтимоий таълимотини чуқур ўрганган олим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақолада Зардуштнинг фалсафий-ижтимоий таълимотининг моҳияти ва аҳамиятини ўрганган олимларнинг қўлёзма материаллари асосида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, ўрганиш жараёнида, Болтаев М.Н., Исҳоқов М, Аширов А., Махмудов Т., Сулаймонова Ф., Бобожонов Д.лар илмий ишларида Зардуштнинг “Авесто”китобининг тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаси эканлиги, “Авесто”да мерос маросимлари, Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто, Зардуштийлар ва урф одатлар тарихий манбаларда ўз ифодасини топганлиги билан эътиборлидир. “Авесто” ўзбек халқининг энг нодир, муқаддас китоби. Зардуштийларнинг фалсафий-назарий

таълимоти ҳақида ёзган олимлар қўлёзмаларидан, айниқса файласуф олим М.Н.Болтаевнинг “Авесто”китобидан Зардуштийлик дини энг қадимги динлардан бўлиб якка худоликни ижод этгани ва унинг пайғамбари Зардушт тарихий шахс бўлганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу дин эрамиздан олдинги VII – VI асрларда Ўрта Осиё воҳаси Хоразмда пайдо бўлгани, Зардуштнинг туғилган даври ва шахсияти ҳақидаги манбаларда бир-бирига қарама – қарши бўлган ҳикоят ва ривоятлар мавжудлиги ҳақида атрофлича фикр юритилган. Шунингдек, файласуф – олим Аширов А. “Авесто”да мерос маросимлари китобида халқимиз Наврўз байрамини нишонлаш тарихига эътибор қаратиб ўқувчилар диққатини ўзига тортади.Жумладан, бундай маросимлар ўзбек халқининг азалий анъаналари сифатида нишонлаш муаммолари ҳақида чуқур ўрганган. Ҳозирги замон шарқшунос олими Жексон “Зороастр ҳаёти” илмий асарида Зардуштнинг афсонавий шахс эканлигини ишончли далиллар ёрдамида рад этишини кўрсатган. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида ёзган илмий мақоласида осмон ва ер ҳақидаги қарашларга эътибор қаратилган бўлиб, ундаги миллий фалсафа илдизларини кўрамиз. Бугунги кунда “Авесто” тили ўлик тил эканлигига эътибор қаратилган.

НАТИЖАЛАР

Файласуф-олим - М.Н.Болтаев томонидан таҳлил этилган Зардушт таълимоти билан танишар эканмиз, жамиятимизнинг устуни бўлган бу ахлоқий қарашлар қадим замонлардан буён ўрганиб келинаётгани ва таълим-тарбия жараёнига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганининг гувохи бўляпмиз. Қадимги бобокалонларимиз кўзига тўтиё қилган “Авесто” муқаддас китоби фақат диний қўшиқ, ҳикоят ва ривоятлардан иборат бўлибгина қолмасдан, балки табиий фанлар, хусусан, табобат, таълим – тарбия масалаларини ҳам ўз ичига оладиган илмий манбадир. Зардўштийлик динининг афзал томонларидан бири шу эдики, ушбу динда ҳукмдорлар салтанатини мустаҳкамловчи расмий ақидалар билан бирга, инсонни ўз ҳаётининг, ўз тақдирининг яратувчиси сифатида улуғловчи инсонпарварлик ғоялари ҳам қарор топгандир.Яна шуни айтиш жоизки, айни ҳикматлар Зардуштнинг баланд заковатидан далолат бериб қолмай, бизни “Авесто”нинг умумбашарий зиё нуридан баҳраманд бўлишга ҳам чорлайди.

Мазкур мақоланинг хулосаси сифатида Зардуштнинг таълимоти асрлар оша ўзининг ҳар бир инсон учун хайрли фикр ва фозил бўлиши учун боқий хизмат қилмоқда. Порсо-мард киши ўз андиша фикрлари, сўзлари, ўз хайрли иш-амаллари-ла муқаддасдир. Адолатга боғланган виждонли киши ҳаётга ёрдамлашади.

МУҲОКАМА

Ушбу мақолада файласуф - олим М.Н.Болтаевнинг зардуштийлар таълимотини тадкиклаш натижалари билан яқиндан танишиб чиқилди.Тадқиқлаш натижалари шуни кўрсатдики, “Авесто”нинг муаллифи Зардушт кўплаб асар ва илмий ишларда “Авасто”, “Оваст”, “Авесто” шаклларида учрайди. Зардуштийлик дини энг қадимги динлардан бўлиб якка худоликни ижод этган. Унинг пайғамбари Зардушт тарихий шахс бўлган. Бу дин эрамиздан олдинги VII – VI асрларда Ўрта Осиё воҳаси Хоразмда пайдо бўлган. Шоир ва мутафаккир Муҳаммад Иқбол Зардуштни қадимги Юнон файласуфи Фалеснинг замондоши эди, дейди. Фалес эса милоддан олдинги VII-VI асрларда (625-545) яшаган. Ҳозирги замон шарқшунос олими Жексон “Зороастр ҳаёти” илмий асарида Зардуштнинг афсонавий шахс эканлигини ишончли далиллар ёрдамида рад этади. Олим хулосасига кўра, Зардушт Сито номли шахс оиласида туғилган. Хизматдан сўнг у танҳо яшайди ва борлиқ, унда инсоннинг ўрни ҳақида жиддий мушоҳадага берилади. Зардушт борлиқ ва мавжудликнинг намоён бўлишида муайян қонуният – бир-бирига қарама-қаршиликлар, зиддиятлар тўқнашиши ва курашини кузатган ҳамда ўзининг фалсафий низомини мана шу икки асос воситасида яратган. Зардушт шуғулланган энг муҳим масала Худонинг абадий хайри, яхшиликни ёмонлик билан келиштириш, яраштиришдан иборат эди. Профессор М.Н.Болтаевнинг Зардушт таълимотининг қарашларидан шундай фикрлаш мумкин: инсоннинг турли хислат-хусусиятлари, урф-одат, табиати ўзининг келиб чиқиш замони, даврига эга. Зардуштнинг ахлоқий таълимоти уч асосий ва муҳим қоидага: яхши, хайрли андишалар, яхши, хайрли сўзлар ва яхши, хайрли ишлар қоидасига таянади.

Муҳаммад Назарович Болтаев - Ўзбекистон ва бир қанча хорижий мамлакатларда таниқли олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, Бухоро давлат университети профессори, Шарқ буюк мутафаккирларининг фалсафий-назарий таълимотлари ҳақидаги тадқиқот китобларнинг ижодкори, шу жумладан, ватандошимиз Абу Али ибн Сино фалсафий, илмий ва тасаввуфий қараш ғоялари ҳақидаги бир қанча монография тадқиқотларнинг ҳам муаллифидир. Муаллифнинг Ибн Сино фалсафий қарашлари ҳақидаги китоблари Ўзбекистондан ташқари Россия, Тожикистон ва Афғонистонда нашр этилган. Муҳаммад Назарович Болтаев шу билан бир қаторда “Авесто”нинг муаллифи, мутафаккир ва ҳаким Зардуштнинг фалсафий-ижтимоий таълимотини чуқур ўрганган олим. Ўрта Осиё, Шарқ ва жаҳон халқларининг фалсафий-ижтимоий фикр тарихида биринчи ва энг олий мақомни ҳикматлар хазинаси “Авесто”нинг муаллифи Зардушт эгаллайди. Ушбу асар

илмий ишларда “Авасто”, “Оваст”, “Авесто” шаклларида учрайди. Аслида бу номлар “апастак” (асос) сўзининг таҳририга учраган шакллари бўлиб, биз “Авесто” кўринишини қўлладик. Зардуштийлик дини энг қадимги динлардан бўлиб якка худоликни ижод этган. Унинг пайғамбари Зардушт тарихий шахс бўлган. Бу дин эрамиздан олдинги VII – VI асрларда Ўрта Осиё воҳаси Хоразмда пайдо бўлган. Зардуштнинг туғилган даври ва шахсияти ҳақидаги манбаларда бир-бирига қарама – қарши бўлган ҳикоят ва ривоятлар мавжуд. Айрим муаллифлар уни бир оддий деҳқон ёки чўпон ўғли дейишади ва баъзилар эса Балх ҳокимининг ўғли, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар уни қадимий Эроннинг буюк шаҳзодаларидан бири деб ҳисоблайди. Зардуштнинг туғилган жойи ҳақида ҳам турлича фикр ва ривоятлар мавжуд. Айрим ривоятларга кўра у ғарбий Озарбойжондаги Оромия шаҳрида туғилган. Баъзи муаллифлар бу масканни Балх шаҳри сифатида талқин қилишади. Зардуштнинг ватани қадимий Хоразм дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Қадимий Юноннинг буюк олими Пифагор ўз “Саёҳатнома”сида Зардушт билан учрашиб, суҳбат қилгани тўғрисида ёзган. Пифагор эса милоддан олдинги 580 йилда вафот этган. Шоир ва мутафаккир Муҳаммад Иқбол Зардуштни қадимги Юнон файласуфи Фалеснинг замондоши эди, дейди. Фалес эса милоддан олдинги VII-VI асрларда (625-545) яшаган. Ҳозирги замон шарқшунос олими Жексон “Зороастр ҳаёти” илмий асарида Зардуштнинг афсонавий шахс эканлигини ишончли далиллар ёрдамида рад этади. Олим хулосасига кўра, Зардушт Сито номли шахс оиласида туғилган. Унинг отаси Пурушаб оддий деҳқон, онаси Дағду Рай шаҳрининг фуқароси эди. Зардушт ёшлигида ўз замонасининг илм-фанини ўзлаштирган ва йигитлик чоғида ҳарбий хизматни ўтаган. Хизматдан сўнг у танҳо яшайди ва борлиқ, унда инсоннинг ўрни ҳақида жиддий мушоҳадага берилади. Ўттиз яшар Зардуштга Донатиё дарёси соҳилида Амшоспанд Вахуман фариштаси намоён бўлади. Фаришта Охуро (Хайр худоси) Зардуштга пайғамбарлик мартабасини инъом қилганини айтиб, уни оддий дунёвий яшаш ҳолатидан уйғотган. Диний-фалсафий масалалар мажмуи – “Авесто” китобининг Зардушт томонидан яратилганлиги ҳақида муҳққиқлар орасида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бизгача етиб келган “Авесто” китоби беш қисмдан иборатдир. Қадимги тарихчи олим Плинийнинг маълумотига кўра, Александр Македонский Ўрта Осиё ва Эронни босиб олишидан олдинги даврда асл “Авесто” 815 қисм, икки юз минг байтдан иборат бўлган. Бизгача ўша нодир маънавий хазинадан баъзи парчаларгина етиб келган, холос. Биз эса бу рисолада ўша парчаларга таяниб Зардуштнинг худо, инсон ва табиат ҳақидаги қарашларига тўхталишни лозим топдик. Шарқшунос

олим М.Хоуг ўзининг “Қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг маданияти” номли илмий асарида ёзишича, Зардушт ўзига қадар шу сарзаминда шаклланган назарий-фалсафий фикрларни пишиқ ўрганган. Зардуштни теран мулоҳазага чорлаган қарама-қаршиликлар, зиддиятлар тўқнашишининг табиат қонуниятларига тўла тааллулиқлигидир.

Зардушт борлиқ ва мавжудликнинг намоён бўлишида муайян қонуният – бир-бирига қарама-қаршиликлар, зиддиятлар тўқнашиши ва курашини кузатган ҳамда ўзининг фалсафий низомини мана шу икки асос воситасида яратган. Зардушт шуғулланган энг муҳим масала Худонинг абадий хайри, яхшиликни ёмонлик билан келиштириш, яраштиришдан иборат эди. У ўзига қадар ҳукмрон бўлган кўп худолиликка (арвоҳликка) чек қўйди. Зардушт ўша хайрли арвоҳларга ягоналик бағишлади ва ўша ягоналикни “Ахуромаздо” қиёфасида бирлаштирди. Шу йўсинда барча ёмонлик арвоҳлари ҳам умумлаштирилиб, улар ягона манба (манша) – Ахриман тимсолида намоён этилди. Бироқ Зардушт баъзилар сингари борлиқнинг мазкур икки асосини мустақил равишда амал қилувчи икки куч, қувват деб ҳисобламаган, балки ягона аввалий ва абадий вужуднинг икки томони, икки тарзи сифатида талқин этган. Аёнлашдики, Зардушт диний нуқтаи назардан ягона абадий вужудга сингувчи ва фалсафий жиҳатдан икки асосни эътироф этувчи донишманд мутафаккир ҳисобланади. Демак, бундан шуни тушуниш керакки, дунёни яхшилик ва ёмонликдан иборат руҳлар бошқаради. Яхшилик бўлган жойда ёвузлик ҳам мавжуддир. Яхшиликка интилиш ёвузлик билан тўқнашиш тушунчаси муқаррардир. Инсон умри давомида “яхшиликка ёмонлик”, “яхши дўст - орттирар, ёмон дўст - оғритар”, “яхши билан юрсанг иззат кўрасан, ёмон билан юрсанг – жафо топасан” деган мақол ва ўгитларни кўп эшитади. Бу бежиз эмас экан. Аммо агар биз икки руҳ-борлиқ ва йўқликни яратувчи руҳларга ишонсак, яъни “Авесто”да ёзилганидек бошланишда иккилик- икки руҳ бўлган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳаракатда бўлган (“Ясно”, 30,1) таъкидига тўғри маънода ишонсак, муайян ноаниқлик содир бўлади. Янги олий иккилик ягона оқимга туташади ва ваҳдатга, ягонага айланади.Бу ҳақда “Авесто”нинг “Ясно” қисмида шундай ёзилган: “Менинг икки руҳимдан, яхшилик, хайр руҳи мустаҳкамроқдир, барча муқаддас яратилганлар калом билан юзага келтирилган (“Ясно”, 29,1). Бундан ақида эса зарурий равишда ёмонликнинг аслини Худо зотининг жузви ҳисоблашга олиб келади. Гўё хайр, яхшилик билан ёмонликнинг (шар) тўқнашувини, курашини Худонинг ўзи билан ўзининг кураши тарзида эътироф этишга тўғри келади. Яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг аҳамиятини биз Зардуштнинг издошлари орасида ҳам учратдик. Зардуштнинг издошлари орасида ҳам бир неча мазхаб, фирқалар

юзага келган. Улардан бири зиндикийлар (худосизлар фирқасидир.) Улар Занд дининг издошлари ҳисобланиб, зиндикийлар дунё яратилишида бошланғич икки асос – хайр ва шар, яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат борлигига эътиқодли бўлганлар. Шарқшунос М.Хоуг фикрича, зиндикийлар Зардуштнинг ҳақиқий таълимотидан оғиб кетганлар ва диний эътиқоддан четга чиққанлар. Муҳаммад Иқбол ақидасича, зиндикийлик йўналишининг фиклари уларнинг мухолифлари таълимотига қараганда тўғрироқ ва ҳақиқатга яқиндир. Зиндикийлар фикрича, иккилик арвоҳлари бир-бирига нисбатан истиқлолга эгадир. Уларнинг айтишича икки арвоҳ орасида ҳаво деб аталадиган бўш фазо мавжуд ва уларнинг тўқнашув маҳали вужудлидир. Ўша даврлардан бошлаб яна бир мазхаб ҳам юзага келиб, ўз назарий ғояларини шарҳлаб, тарғиб этгандир. Улардан бири зарвонийлар назарий мактаби ҳисобланади. Уларнинг ақидасича нур ва зулмат ниҳоясиз замон фарзандидир. Каймарасийларга кўра борлиқ мавжудликнинг асл ибтидоси нур ҳисобланади.

Мутафаккир Ибн Хазм ўз ишларида яна бир йўналиш ҳақида хабар бераркан, таъкидлайди: ўша равия тарафдорлари фикрига кўра Нур асл, ҳақиқий вужуддир, зулмат эса зикри ўтган нурнинг фасодли,бузғунчи жиҳатининг оқибатидир. Зардушт эса борлиқнинг ниҳояли моҳияти ҳақидаги фалсафий ғояни қаттиқ ҳимоя қилиш орқали кейинги даврларда пайдо бўлган ижобий-фалсафий фикрларга самарали таъсир етказган.Зардушт дини ва фалсафаси милоднинг биринчи асрларида яшаган масехият орифлари александриялик Клемент Ориген диний-фалсафий қарашларига ҳам катта ижобий туртки берган. Ғарблик баъзи таниқли файласуфларнинг назарий қарашларида ҳам Зардушт диний-фалсафий ғояларининг кучли таъсири сезиларлидир. Масалан, фалсафа тарихи билимдони Лассале Зардуштни машҳур немис файласуфлари Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) ва Фридрих Ницше (1844-1900)ларнинг буюк ғоявий салафи ҳисоблайди. Файласуф Эрдманн Зардушт илоҳий-ирфоний таълимотининг Пифагор қарашларига таъсири ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Пифагор тоқ сонларни жуфт сонларга нисбатан устун ҳисоблаган. Бундан ташқари, Пифагор қарама-қаршиликлар турлари тўғрисида мулоҳаза эта туриб, нур ва зулмат қарама-қаршилиги ва хайр ва шар қарама-қаршиликларини ҳам эслатади. Мазкур фалсафий тушунчаларнинг асл ва энг қадимги манбаи, шубҳасиз, Зардушт таълимотидир.”(Эрдманн.Юқорида эслатилган асар. 50-бет). Зардушт жаҳоншунослик соҳасида ҳам икки асосий қувват-қудрат тақозосига мувофиқ воқеликни икки турга тақсим этган. Улардан бири хайр (яхшилик) мажмуасидир. Яхшилик эса холиқнинг ҳаракат, амаллари натижасида содир бўлади. Иккинчиси йўқлик ёки шар (ёмонлик) йиғиндисидир. Шарни фасодни

ёқтирувчи руҳлар туғдиради. Зардушт таълимотича, зулмат руҳидан туғиладиган, содир этиладиган ҳамма вужудлик шакллари йўқлик ҳисобланади. Шунинг учун нур руҳи охир – оқибатда қоронғулик, зулмат руҳи устидан ғалаба қозонади. Зулматдан яратилганлар муқим мавжудотлар эмас. Икки арвоҳнинг асосий зиддияти, қарама- қаршилиги жаҳоннинг барча куч-қувватининг бир-бирига мухолифати, тўқнашувининг негизидир. Ўшалар туфайли яхшилик ва ёмонликнинг доимий майдонига айланиб туради. Бироқ иккилик арвоҳи ва уларнинг ҳосиласи ўртасида ҳеч қандай воситачи мавжуд эмас. Мавжудотдаги ашё ўз-ўзича яхши ёки ёмон бўлиб қолмайди. Ҳар бир нарсанинг яхшилиги ёки ёмонлиги унинг асл манбаи, асоси, бирламчи сабабига боғлиқдир. Шу тариқа Зардушт жаҳоннинг яратилиши борасида мустақил назарияни вужудга келтирган. Унинг мазкур назарияси Артур Шопенгауэр (1788-1860) фалсафий фикрларига қараганда афзалдир.Зардушт назариясига кўра мавжудот, борлиқ фақат икки маъқулот (икки сифатни ифодаловчи кенг ақлий-руҳий тушунчалар воситаси) билан ифодалана олади. Жаҳон тарихи чексиз куч-қудратлар, зиддиятлардан иборатки, тана ақлий-руҳий тушунчалар воситаси) билан ифодалана олади. Борлиқдаги ўзга мавжудотлар сингари инсон учун белгиланган вазифа нур – ёруғлик тарафида туришдан иборатдир. Зероки, ёруғлик Ҳақ ҳисобланади ва у охир-оқибатда қоронғулик руҳини ағдариб ташлаши, йўқотиши лозим.Бироқ Зардушт ахлоқни ижтимоий муҳит таъсиридан ташқарида тасаввур эта олмайди. Зардуштнинг инсон тақдири ҳақидаги қарашлари жуда ҳам содда. Унинг бу ҳақдаги фикри ундан кейин юзага келган Қуёшга сиғинувчи меҳрпарастлар ақидасидан фарқлидир. Меҳрпарастлар ақидасига кўра, инсон табиати Худо моҳиятининг баҳраси, ҳиссасидир. Зардушт эса инсонни Худонинг махлуқи ҳисоблайди. Меҳрпарастлар Қуёшни Нурнинг буюк манбаи ҳисоблаб, унга сиғинишар эдилар. Улар инсон руҳи Худо вужудининг зарраси деб ҳисоблаб, инсон руҳининг Худо васлига етишини амалга ошириш мақсадида турли хил расм-русумлар, тоат-ибодатлар, қурбонликлар қилар эдилар. Шу билан бирга меҳрпарастлар инсон руҳи ва унинг Худо васлига етиши мақсадида таннинг турли истак-хоҳишларидан тортинмоқ, ўзларини қийнаш ва руҳий ҳолатга етишиши борасида интилиб, бу ҳақда фикр-мулоҳазалар баён этганлар. Уларнинг бу борадаги қараш ва амалиётлари тасаввуф аҳлининг баъзи мазхаблари, тариқатларига ўхшайди.Профессор М.Н.Болтаевнинг Зардушт таълимотининг қарашларидан шундай фикрлаш мумкин: инсоннинг турли хислат-хусусиятлари, урф-одат, табиати ўзининг келиб чиқиш замони, даврига эга. Бироқ, агар инсон ҳар хил урф-одатлар, истак-хоҳишларга берилиб кетмасдан нафсини тийиб, маънавийликка интилса, абадий

юксакликка етиша олади. Инсоннинг майли, феълу атвори ва сифатлари икки қанотни ташкил этади ва руҳий-маънавий жиҳатдан беш қисмдан иборатдир. Биринчи-виждон. Иккинчи – ҳаётнинг қудрати, қуввати. Учинчи – маърифат. Тўртинчи – равон (жон, руҳ).Бешинчи – қалб поклиги. Пок қалб охиратга сафар жараёнида шахс посбонидир. Вафотдан кейин у маърифат ва руҳ билан бирлашади. Бу уч мартаба зарурий равишда эркинликка олиб боради ва жисм боғланишидан ажралиб, олий олам томонига йўлланади. Вужудлик эса қуйидаги мақомларга эришади:

1.Яхши, хайрли андишалар мақомига;

2.Яхши, хайрли сўзлар мақомига;

3.Яхши, хайрли ишлар мақомига;

4.Абадий юксаклик мақомига.

Шунинг учун Зардуштнинг ахлоқий таълимоти уч асосий ва муҳим қоидага: яхши, хайрли андишалар, яхши, хайрли сўзлар ва яхши, хайрли ишлар қоидасига таянади.Улар кейинчалик ўзга диний-фалсафий, ахлоқий қоидаларни ўз ичига олади. Мазкур ахлоқий қоидалар Зардушт аҳкомининг асосий усули ҳисобланади. “Авесто”матнида, унинг кўпчилик қисмларида мазкур уч асосий ахлоқий қоида баён этилиб, таъриф-тавсифланади.Хусусан, яхши, хайрли сўзлаш, яъни ҳақиқатгўйликнинг умумманбаи, аслшохий қонун, деб таърифланади. Чунончи, 53-Яснода қуйидаги фикрбаён этилган: “Эй, буюк Ахуромаздо, бизни ростгўйлик воситаси билан ўз ҳимоянга ол, токи бизга томон хайрли фикр, андишалар ва хайрли ишлар, юриш-туриш йўллансин.” Яна бу ҳақда “Авесто”нинг “Виспар”қисмида ўқиймиз: “Бу оила, хонавондада(хонадонда) ростгўйлик ёлғончилик устидан ғолиб чиқсин. Биз мақтаймиз ва дуо қиламизки, тўғри сўзлар ҳамиша ғолиб бўлиб бошдан охиригача ёмонлик ва ёлғончилик таъсирини йўқотиб юборсин.” “Авесто”нинг барча қисмларида кўзимизга ташланадиган жиҳатлари, бу: тўғрилик, ҳалоллик, ростгўйлик ва ёлғончилик устидан яхшиликнинг қарор топишидир. Шу сабабдан истаймизки, одамлар пок саховат ва пок карамга ишнсинлар ва ўз алоқаларини ёлғонликка сиғинишдан узиб ташласинлар.Нодир асарларда айтилишича, Зардуштдан орзуинг нима деб сўралганда – “менинг ягона орзуим ростгўйликдир” деб жавоб берган экан. Зардушт ахлоқий қарашларининг хулосалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бадан покизалиги ва маънавий софлик талабларига риоя қилиш лозимлиги;

Иккинчидан, гўдак, ёш болалар тарбиясига диққат-эътибор бериш зарурияти;

Учинчидан, ишёқмаслик, ялқовлик ва дангасаликни ёқтирмаслик. “Авесто” китобида шундай ёзилган экан: “Ялқовлик, дангасаликдан хазар қил, токи бу дунёда ўз вазифангни бажаришдан орқада қолиб кетмагин.” Шу билан бирга, Зардушт ҳайвонлардан узоқлашиш ва асраш, қасам ичишдан парҳез қилиш, пул олишдан сақланиш, дин ва шариат қоида ҳамда аҳкомни бузмаслик, илм-фанни касб этиш учун интилиш, тиришиш каби ахлоқий қарашларни тарғиб ва таҳлил этган.

ХУЛОСА

Файласуф-олим - М.Н.Болтаев томонидан таҳлил этилган Зардушт таълимоти билан танишар эканмиз, жамиятимизнинг устуни бўлган бу ахлоқий қарашлар қадим замонлардан буён ўрганиб келинаётгани ва таълим-тарбия жараёнига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганининг гувохи бўляпмиз. Қадимги бобокалонларимиз кўзига тўтиё қилган “Авесто” муқаддас китоби фақат диний қўшиқ, ҳикоят ва ривоятлардан иборат бўлибгина қолмасдан, балки табиий фанлар, хусусан, табобат, таълим – тарбия масалаларини ҳам ўз ичига оладиган илмий манбадир. Зардўштийлик динининг муқаддас байрамларидан бири Наврўздир. Наврўз Марказий Осиё ва форсий халқларнинг янги йилни нишонлашга бағишланган катта байрамидир. Баҳорда яъни 21 март куни коинотдаги барча тирик жон, инсоният, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси қайта жонланади. Инсоният табиятнинг олий маҳсули сифатида бу байрамни зўр шодиёна билан нишонлаган ва ҳозирда ҳам нишонлаб келинмоқда. Мамлакатимизда Наврўз – баҳор байрами, янги кун, табиатни уйғониш байрами сифатида кенг нишонлади. Зардўштийлик динининг афзал томонларидан бири шу эдики, ушбу динда ҳукмдорлар салтанатини мустаҳкамловчи расмий ақидалар билан бирга, инсонни ўз ҳаётининг, ўз тақдирининг яратувчиси сифатида улуғловчи инсонпарварлик ғоялари ҳам қарор топгандир.Яна шуни айтиш жоизки, айни ҳикматлар Зардуштнинг баланд заковатидан далолат бериб қолмай, бизни “Авесто”нинг умумбашарий зиё нуридан баҳраманд бўлишга ҳам чорлайди.

Мазкур мақоланинг хулосаси сифатида Зардуштнинг таълимоти асрлар оша ўзининг ҳар бир инсон учун хайрли фикр ва фозил бўлиши учун боқий хизмат қилмоқда. Порсо-мард киши ўз андиша фикрлари, сўзлари, ўз хайрли иш-амаллари-ла муқаддасдир. Адолатга боғланган виждонли киши ҳаётга ёрдамлашади.

REFERENCES

1.M.N.Boltaev. The great thinker Zoroaster and his book Avesto. Bukhara Publishing House, 2001.
2. Materials of the scientific-practical seminar "The book" Avesto "- the first written source of our history and spirituality." - Tashkent, 2000.
3. Ashirov A. Heritage ceremonies in the Avesto. - T., 2001.
5. History of Central Asian religions / Editor-in-Chief - Sh. Yovkochev. - T .: Tashkent State Institute of Oriental Studies, 2006.
6. Mahmudov T. About Avesto. - Tashkent, 2000.
7. Sulaymonova F. East and West. - T .: 1997.
8. Boys M. Zoroastrians. Verovaniya i obыchai / Per. s angl. I.M. Steblin – Kamenskogo. Poslesl. E.A. Grantovskogo. 2 – e edition, corrected. - St. Petersburg, 1994.
9. Vasilev L. History of the religious East. Uchebnoe posobie dlya vuzov. - 4 – e izd. - M .: Knijnyy dom “Universitet”, 1999.
10. Gorelov A. History mirovyx religiy: uchebnoe posobie. - Moscow, Flinta: MPSI, 2006.
12. D.Bobojonov, M.Abdurasulov “Children of Eternity” 2009.
13. Khorezm Mamun Academy Publishing House, 2009.